

**Олий аттестация комиссиясининг
2025 йил 9 ойлик (январь-сентябрь) фаолияти натижалари бўйича
маълумотнома**

1. 2025 йил 9 ойлигида 4545 нафар тадқиқотчи илмий даражада тасдиқланди. Шундан, фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражасида эга бўлганлар сони 3854 нафарни, фан доктори (DSc) илмий даражасига эга бўлганлар сони 691 нафарни ташкил этди.

KPI кўрсаткичи илмий даражалар бўйича 105 фоизни, жумладан фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражаси бўйича 105 фоизни, фан доктори (DSc) илмий даражаси бўйича 106 фоизни ташкил этди.

2. Шу даврда 3106 нафар талабгор илмий унвонда, жумладан 2301 нафари доцент, 129 нафари катта илмий ходим ва 676 нафари профессор унвонларида тасдиқланди.

KPI кўрсаткичи илмий унвонлар бўйича 107 фоизни, жумладан профессор илмий унвони бўйича 106 фоизни, катта илмий ходим илмий унвони бўйича 100 фоизни ва доцент илмий унвони бўйича 107 фоизни ташкил этди.

3. Жорий даврда 5 та илмий кенгаш тузилди.

4. Хорижий давлатлар муассасалари томонидан берилган 88 та илмий даражалар дипломлари нострификация қилинди. Шундан 59 таси фалсафа доктори (PhD), 28 таси фан номзоди ва 1 таси фан доктори (DSc) илмий даражалари дипломи ташкил этади.

5. Хорижий давлатларда илмий даражалар тўғрисида берилган 30 та фалсафа доктори дипломи ўрнатилган тартибда фан доктори сифатида тўғридан-тўғри тан олиниши ташкил қилинди.

6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг 325 та мурожаатлари ҳисобга олинди (шулардан 2 та оғзаки, 323 та ёзма). Барча мурожаатларга (100%) ўз вақтида жавоб берилди.

7. Илмий жамоатчилик билан 8 та ҳудудида учрашувлар ва сайёр қабуллар ташкил этилиб, ҳисобот даврида 2171 нафар илмий жамоатчилик, шундан 1657 нафари 35 ёшгачан бўлганлар билан 17 та учрашув ташкил этилди. Уларда 390 та саволга тушунтиришлар берилди, 63 нафар шахсга жойида услубий ёрдам кўрсатилди ва сайёр қабулларда 13 нафар шахсга жойида амалий ёрдам берилди.